

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги турар ва нотурар жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулк ва туташ ҳудудларни сақлашга мажбурий бадалларнинг илгари белгиланган энг кам миқдорлари амал қилишини вақтинча бекор қилди. Улар УЎХ вазирлигининг 31.01.2018 йилдаги 34-сон буйруғи билан жорий этилган эди, 16.02.2018 йилдаги 54-сон буйруғи билан эса бекор қилинди.

Бадалларнинг энг кам миқдорини қўллашга вақтинчалик йўл қўйилмайд



Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 24.04.2017 йилдаги ПҚ-2922-сон қарори билан УЎХ вазирлигига бадалларнинг энг кам миқдорларини ҳар йили белгилаш топширилган эди. Ушбу янгиланган кўп хонадонли уй-жой фондидини бошқариш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган бошқа чора-тадбирлар орасида асосийларидан бири ҳисобланади. Зеро уйларнинг лозим даражадаги ҳолатда бўлиши ширкатдаги бадал миқдорига боғлиқ. «Энг кам миқдор»нинг жорий этилиши режасини ХУМШ аъзолари учун хушxabар деб бўлмайди. Бу ХУМШ фаолиятига аралашув, ширкат аъзоларининг ўзи умумий йиғилиш қарори билан мажбурий бадал миқдорини белгилашлари кераклигига асосланган миш-миш ва хавфсизлашга олиб келди. Уни ишлаб чиқишда бутун республика, шаҳар ёки минтақага битта бадал белгиланмайдими, деган савол тушди фуқаролардан. Уйларнинг техник ҳолати, эҳтиёжлари, конструктив хусусиятлари ва бошқа параметрлар ҳисобга олинadими? Бадал қандай ҳисобланади?

Республикадаги ҳар бир ХУМШ учун, яъни уйларга алоҳида ёндашган ҳолда энг кам бадаллар ишлаб чиқилгани кутилмаган ҳодиса бўлди. Моҳиятан олганда, бу ижобий ҳолат. Бироқ, яна гап тарқалди: бу расмийчилик билан ёндашиш эмасми, бадаллар «осмондан олинмади», ҳар бир ХУМШ учун алоҳида бадал ҳисоблаш мумкинми? Яна бир муҳим жиҳат: энг кам бадал-

ларни жорий этиш тўғрисидаги 34-сон буйруқ Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилмади. Агар бундай қилинмаган бўлса, демак, у ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ва кучга кирмади.

Бир қатор саволларга тушунтириш беришни сўраб УЎХ уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири ўринбосари Назиржон Назировга мурожаат қилдик:

– Аниқлаштирмоқчиман: 54-сон буйруқ билан энг кам бадаллар бекор қилиниши тўғрисида эмас, балки қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар уларнинг амал қилиши вақтинча тўхтатиб турилиши ҳақида сўз бормоқда. Уларнинг ишлаб чиқиши зарурат, мажбурий чора бўлиб, пойтахтга эмас, энг аввало кўп хонадонли уй-жой фондидини сақлаш билан боғлиқ мураккаб вазият юзага келган минтақаларга йўналтирилган.

Энг кам бадалларни ишлаб чиққан Вазирлик ПҚ-2922-сон қарор талабларини бажарди. Бироқ ХУМШ фаолияти тўғрисидаги қонунчилик базаси ҳозирча уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришга такомиллаштириш тўғрисидаги янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ тартибга солинмаган. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқиш 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

2-бетда

Кичик тадбиркорлик субъектлари диққатига!

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси ҳудудларда ўтказиладиган танланма кузатувларга тушган кичик корхона ва микрофирмаларга (1-КВ – йиллик маҳсулот (иш ва хизмат)лар сотишдан тушумга эга бўлган корхоналар учун, 2-КВ – янги ташкил этилган корхоналар учун, 3-КВ – сотишдан тушумга эга бўлмаган корхоналар учун) Интернет тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда микрофирма ва кичик корхонанинг фаолиятини кузатиш сўрономасини чоракдан кейинги ойнинг 2-санасидан кечиктирмай (1 чорак учун – 2018 йил 2 апрелгача) топшириш лозимлигини эслатади.

Танланма кузатувга тушган кичик корхона ва микрофирмалар рўйхати stat.uz ва norma.uz сайтларига жойлаштирилган.

Маълумот учун телефонлар: 230-88-09, 230-88-29.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси.

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 26 январдаги «Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг барқарор фаолиятини ва уларнинг қувватларидан юқори даражада фойдаланишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 11-сон қарорига асосан, 2015 йилдан бошлаб мулкчилик шаклларида қатъи назар, микрофирмалардан ташқари саноат ва қурилиш соҳасидаги барча корхоналар бўйича улар фаолиятининг асосий ишлаб чиқариш ва молиявий параметрларини акс эттирувчи корхоналар паспортларини ҳар йили расмийлаштириш тартиби жорий этилди.

2017 йил учун юқорида қайд этилган барча корхона ва ташкилотлар тасдиқланган намунавий шаклдаги паспортларни жорий йилнинг 1 апрелига қадар Интернет тармоғи орқали ЎзР Давлат статистика қўмитасининг дастурий-технологик воситаларидан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари керак.

Маълумот учун телефонлар:

саноат корхоналари учун – 230-88-16, 230-88-17;
қурилиш корхоналари учун – 230-88-18, 230-88-19.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси.

Корхоналарнинг намунавий шакллардаги паспортлари (26.01.2015 йилдаги 11-сон ВМҚга 1 ва 2-иловалар) ҳамда саноат ва қурилиш корхоналари фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг Паспортини тўлдириш методологияси stat.uz ва norma.uz сайтларида жойлаштирилган.

ХАБАР

ЯИДХПда янги хизмат йўлга қўйилди

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Мол-мулк солиғи калькулятори» интерактив хизмати йўлга қўйилди.

egov

Хизмат ёрдамида жисмоний шахслар объектнинг инвентарь қиймати ва майдонига асосланган ҳолда, ўзларининг мол-мулк солиқларини ҳисоблаб чиқаришлари мумкин. Бу ерда амалдаги имтиёзлар ҳақидаги ахборот ҳам тақдим этилган.

Хизматдан фойдаланиш учун Ягона идентификациялаш тизими (OneID) орқали ЯИДХПга авторизацияланиш лозим.

Ушбу сонда:

Пенсияни қайта ҳисоблаш: қайси ҳолатларда бу масалани кўтарса бўлади

Архив маълумотномалари – фақат асп нусхада

3-6-БЕТЛАР

Меҳнат ветеранлари учун имтиёзлар

8-БЕТ

Глобал исиб кетмаслик учун ҳар биримиз нима қила оламиз?

Бадалларнинг энг кам миқдорини қўллашга вақтинчалик йўл қўйилмайди

1-бетда

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурида назарда тутилган. У Президентнинг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармони билан тасдиқланган, унга мувофиқ 2018 йил декабрида қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилиши мўлжалланган.

Бироқ бугунги кунда уй-жой соҳаси ислоҳоти, 2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастури тўлақонли амалга оширилмоқда. Уйларни капитал ва жорий таъмирлаш қисмида у тижорат банкларининг кредитлари, ХУМШ маблағлари ҳисобига бажарилмоқда. Бунда қарз маблағлари ўз вақтида қайтарилишини таъминловчи капитал таъмирлаш харажатларини қопловчи реал бадални белгилаш жуда муҳимдир. Тижорат банклари ширкатларга 2 йиллик имтиёзли давр билан Марказий банкнинг 14%лик қайта молиялаштириш ставкасида 10 йилга кредитлар бермоқда. Бироқ ХУМШнинг ҳаммаси ҳам бадал миқдорини тўғри ҳисоблаб чиқиш, уни умумий йиғилишда аҳолига асослаб бера олмайдди. Натижада улар кўпинча нима учун тўлаётганларини билмайди. Катта ҳажмда кредит оладилар, бироқ белгиланган бадал уларни тўлаш имконини бермайди. Тошкентда бадал миқдори 1 кв.м учун 300 сўми, минтақаларда 1 кв.м учун 150–200 сўми ташкил этувчи ширкатлар бор. Шу маблағга уйларни тартибга келтириб бўладими? Қарз маблағлари қайтарилмаслиги хатари юзага келади. Моҳиятан олганда, энг кам бадалларнинг ишлаб чиқиши — камарни маҳкам тортиш эмас, таъмирлаш, жорий хизмат кўрсатиш, қарз маблағларини тўлаш учун энг кам миқдорни тўғри ҳисоблаб чиқаришда ХУМШга ёрдамдир. Зарурат тутилганда ширкат умумий йиғилиш қарори билан энг кам миқдордан кам эмас, ундан ортиқ мажбурий бадал миқдорини белгилаши мумкин.

— **Назиржон Тохиржонович, умумий мол-мулкни сақлаш учун мулкдорларнинг энг кам бадаллари қандай шакллантирилган? Республикамизда 33 мингадан ортиқ кўп хонадонли уйларни бирлаштирувчи қарийб 4 мингта ХУМШ фаолият юртади. Фуқароларда саволлар юзага келади, барча ХУМШни қамраб олиш ва ҳар бири учун алоҳида бадал ишлаб чиқишининг имкони борми?..**

— Вазирлик бўлиmalarининг ходимлари катта иш қилдилар. Ишлаб чиқилган услубиятдан келиб чиқиб, бадаллар уйнинг техник ҳолати, кредит юкни ҳисобга олиб, кўп хонадонли уй-жой фондини сақлашга доир белгиланган нормалар ва қоидалар асосида ҳисоблаб чиқилди. Бунинг учун жадал тайёрланди, унга уйларнинг капитал ва жорий таъмирланишга эҳ-

тиёжини аниқлаш имконини берувчи параметрлар киритилди. Булар — ҳар бир уй ҳолатининг тавсифи (аввало том, уй ичидаги коммунициялар); ХУМШнинг кредит юки, кредитларни сўндириш муддатлари; уйнинг тоифаси, қавати ҳисобга олинган конструктив хусусиятлари; ХУМШнинг молиявий ҳолати ва ҳоказо.

Ширкатлар 2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастурига кириш мақсадида уйларнинг манзилли рўйхатларини шакллантириш учун ҳам ушбу маълумотларни тақдим этар эдилар. Унда барча ХУМШни қамраб олиш назарда тутилган. Умуман республика бўйича бир йиллик кредит маблағларига эҳтиёж ҳам улар асосида аниқланган. Турар ва нотурар жойлар мулкдорлари учун энг кам бадаллар махсус формула бўйича ҳисобланган. УҚХ вазирлиги бўлиmalarи учун умумий мол-мулк ва туташ ҳудудларни сақлашга турар ва нотурар жойлар мулкдорларининг мажбурий бадаллари энг кам миқдорини ҳисоблаш бўйича қўлланма тайёрланди.

— **Тошкентда турар жойлар мулкдорлари учун бадалнинг энг кам миқдори 1 кв.м учун 300 сўмдан 1 500 сўмгача фарқланади. Қўйи ва юқори чегара қандай уйлар учун белгиланган?**

— 1 кв.м учун 300 сўм — янги қурилган, муаммосиз уйлар учун, у ерда фақат жорий хизмат кўрсатилади. 1 кв.м учун 1 500 сўм эса лифтли кўп бўлган катта кўп йўлакли 9 қаватли уйлар учун.

— **Нотурар жойлар мулкдорлари учун энг кам бадаллар турар жойлар мулкдорлариникига қараганда бир ярим-икки баравар юқорилиги нимага боғлиқ?**

— Қўлаб ХУМШ нотурар жойлар мулкдорлари билан шартнома тўзган. Айрим ширкатларда раҳбарлар бош қотириб ўтирмайдилар, бошқаларида шартнома туза олмайдилар, учинчиларида уларни атайин тўзмайдилар. У ерда нотурар жойлар мулкдорларининг бадаллари ХУМШ счётига эмас, балки раҳбарларнинг ҳамаёнига тўшади. Буларнинг бари ширкатлар учун талафот етказиши ва унинг аъзоларига кўпроқ юк бўлиб тушади. Зеро ХУМШ бугунги кунда кредитлар ҳисобига серҳарж таъмирлаш ишларини бажармоқда, уларни эса қайтариш керак. Одатда, нотурар жойлар мулкдорлари турар жойларда бизнес тузилмаларини очадилар, улар эса умумий мол-мулкка, уйга туташ ҳудудга қўшимча юк бўлиб, аҳоли тинчини бузади. Шу сабабли энг кам бадалларни ишлаб чиқишда турар жойлар мулкдорлариникига қараганда улар учун кўпроқ миқдордаги бадаллар белгиланган.

— **Масаланинг ҳуқуқий жиҳати тартибга солинамизми ширкатлар бадалнинг ағваллиқ миқдорини қайтаришлари мумкинми?**

— Мумкин. Бироқ бунда мақсадга мувофиқликдан келиб чиқиш лозим. **Энг кам бадалларнинг жорий этилиши бекор қилинмаган, балки вақтинча тўхтатилган.** Улар ҳуқуқий тартибга солиниши биланоқ кучга киритилади. Ширкат умумий йиғилишда энг кам бадални ҳисобга олган ҳолда мажбурий бадал миқдорини тасдиқлаган бўлса, аввалгисига қайтиш ўринли бўлармикин? Бунга уйни тартибга келтириш, кредитларни тезроқ тўлаш учун ҳисоблаб чиқарилган энг кам миқдор сифатида қараган маъқул.

— **Энг кам бадаллар ХУМШ ташкил этмасдан уйларни бошқарувчи турар жойлар мулкдорларига ҳам татбиқ этиладими?**

— Йўқ, бундай уйлар учун энг кам бадаллар назарда тутилмаган. ПҚ-2922-сон қарорда Вазирлиқнинг ХУМШга бирлашган турар ва нотурар жойлар мулкдорлари учун уларни ишлаб чиқиш назарда тутилган. Бу масалани келгусида ҳуқуқий жиҳатдан ишлаб чиқиш лозим.

— **Энг кам бадалларга кўпроқ минтақалар муҳтожлиги нима билан боғлиқ?**

— Минтақаларда (асосан туманларда) кўп хонадонли уй-жой фондининг техник ҳолати билан боғлиқ жиддий вазият юзага келган. Давлат томонидан тартибга солишнинг мажбурий чораси сифатида энг кам бадаллар жорий этилмаса, уй-жой фондини қўлдан бой бериб қўйиш мумкин. Вазирлик, ҳокимлик, бошқа идоралар ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тўзилиб, у минтақалардаги вазиятни қатъий назорат остига олди, уларга реал ёрдам кўрсатди. Ҳозир у ерда шахарлардагидан кўра жадал иш олиб борилмоқда. Уйлар бир неча йил таъмирланмаган, уларга техник жиҳатдан хизмат кўрсатилмаган. Уларнинг кўпчилиги ҳужалик бошқаруви остида бўлмаган. Сув таъминоти, канализация бўлмаган, жамоат ҳожатхоналари санитария норма ва қоидаларига жавоб бермаган. Ширкатлар тузилган уйларда улар деярли ишламаган. Кредитлар лозим назоратсиз олиниб, ўзлаштирилган ва мақсадсиз фойдаланилган. Масалан, уни томни таъмирлаш учун олиб,

йўлакни таъмирлашга сарфлашлари мумкин эди. Бир йилдан кейин яна ўша томни таъмирлашга пул олганлар. Бадал миқдори 1 кв.м учун 150–200 сўми ташкил этган. Ушбу қаровсиз уйлар атрофида ўзбошимчилик билан қурилган иншоотлар — бутун бошли уй-жойлар барпо этилган. Фавқулодда вазиятларда уйларга ёнгин ўчириш машинаси ёки тез ёрдам машинасида кириб келишнинг имкони бўлмаган. Аҳолини ўзгариш зарурлигига ишонтириш жуда мушкул бўлган. Биз 330 дан ортиқ ширкат ташкил этиш, иш бошлашда уларга кўмак бердик. Бошқа туманлардаги шунга ўхшаш уйларда аҳвол қандай бўлган ва қай тариқа ўзгарганлигини яққол намоиш этувчи баннерлар олиб келдик. Кишилар ҳаммасини яхши томонга ўзгариш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдилар. Бунинг учун кредитлар ва, тегишинча, бадалларнинг муносиб миқдори бўлиши зарур эди. Ҳайратланарлиси шундаки, **бир нечта туманлардаги аҳолининг ўзи бадалларни 1 000 сўм миқдоридан белгиллаб, ширкат раҳбарларига буни маълум қилди. Кўпинча бунинг акси ҳам бўлади.**

Аслида Тошкентда 1 кв.м учун 300 сўмлик бадал белгиланган ХУМШлар бор, улар ҳеч қанақасига уни оширишни истамайдилар. Аҳоли зиммасидаги юкни камайтириш мақсадида бу ерда уйларни тиклаш учун кредит маблағларидан ташқари маҳаллий бюджет маблағлари ҳам қўшилди. Бу мажбурий зарурат эди. Бугун республикамизнинг кўплаб туманларидаги ушбу уйларга қараб кўзингиз завқланади (**уларнинг фотосуратларини ўз кўзим билан кўрдим — И.Г.**). Сув таъминоти масалалари ҳал этилган, талабга жавоб берувчи жамоат ҳожатхоналари қурилган. У ерда бадалларнинг энг кам миқдорларини жорий этиш юзасидан савол юзага келмайдди. Уй-жой мулкдорлари ислохотни амалга оширишга доир чора-тадбирларни тўғри қабул қиладилар, деган умиддамиз. Улар уйларнинг ҳолатини яхшилаш, яшаш учун янада қулай шароитлар яратишга мўлжалланган. Бироқ ислохот муваффақияти унда иштирок этишга ҳам боғлиқ. Бошланган ўзгаришларни қўлаб-қувватлайлик. Ахир улар бизнинг фойдамиз учун йўналтирилган.

— **Сўхбатингиз учун раҳмат.**

Ирина Гребенюк, махсус мухбиримиз.

ТАҲРИРИЯТДАН. Ҳар қандай ҳолда ҳам УҚХдаги ислохот — ҳаётий зарурат бўлиб, у давом эттирилади. Ислохотнинг бир қатор талаблари амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ келмаслиги сабабли энг кам бадалларни жорий этиш ва вақтинча тўхтатиб туриш муаммоси юзага келди. Бу вақт талаб этади, уни мувофиқлаштириш устида иш олиб борилмоқда. Бадалларнинг энг кам миқдорлари ишлаб чиқишига келсак, Вазирлик масалага жиддий ёндашди. Шу билан бирга айрим ширкатларга энг кам бадал миқдорининг 1 кв.м учун 1 500 сўмгача оширилиши турар жойлар мулкдорлари учун оғир юкдек туюлади. Ҳатто уйларни тўтиб туриш, таъмирлаш, кредит маблағларини қайтариш учун реал эҳтиёжлардан келиб чиқиб ана шундай бадал белгиланган бўлса ҳам. Яна бир жиҳат. Ислохотларнинг давом эттирилиши кўп жиҳатдан ижрочиларга боғлиқ, Зеро ҳар қандай ниятни амалга ошириш жараёнида акс ҳолат юз бериши ҳам мумкин.

УШБУ СОНДА

• ДОЛЗАРБ МАВЗУ

— Бадалларнинг энг кам миқдорини қўллашга вақтинчалик йўл қўйилмайди **1-2-бетлар**

• ПЕНСИЯ ИШИ

— Асос мавжуд бўлганда

— ЎзР молия вазирининг «Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йуриқноманинг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи

— Танлов асосида

— Аслими ёки кўчирма нусхаси?

— ШЖБПХ — карточкага

— Ўридошлик асосида ишловчи пенсионер

— Шикоят қилиш ҳуқуқи

— Тўланиши лозим

— Тасдиқлаш талаб этилади

— Ҳамма билан баробар

— Фидокорона меҳнати учун

— Ҳаммаси ҳисобга олинади

— Камроқ тўлайдилар

— Қачон пенсия сураб мурожаат қилиш керак

— Москваликлар учун «фаол умргузаронлик» **3-6-бетлар**

• АВТОНОРМА

— Автомототранспорт воситаларини тайёрлаш ва қайта жиҳозлаш — фақат рухсатнома билан

— Бензин учун ҳисоб-китоб қилишга корпоратив карта

— Парковка тақиқланган

— Хусусий қорспларнинг ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга рухсат берилади **7-8-бетлар**

• ТАБИАТ ВА БИЗ

— Дахлздаги чироқни ўчириш, космосга иссиқлик чиқмасин **8-бет**

Таҳририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари колларда респондентнинг хоҳишига қўра у ҳақдаги ахборотни унчини шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тулиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «НORMA» gazetalari birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилди.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Ушбу соннинг асосий мавзуси – пенсияни қайта ҳисоблаб чиқиш. Ўқувчиларимизнинг бошқа саволлари ҳам эътибордан четда қолдирилмаган. Пенсия жамғармаси мутахассисининг жавоблари ҳар бир мурожаат қилувчига вазиятни англаш ва ундан чиқиш йўлини топиш имконини беради.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни **norma.uz** сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газетамизнинг **gazeta@norma.uz** ва **ntv@norma.uz** электрон манзилларига йўлланг.

Мутахассис тушунтиради

Асос мавжуд бўлганда

Пенсияни қайта ҳисоблаб чиқиш фикри уни олаётган барча кишиларнинг ҳаёлидан ўтган бўлса ажаб эмас. Бу ҳар доим ҳам Президентнинг Фармониغا кўра унинг оширилиши билан боғлиқ бўлавермайди. Бошқа асослар ҳам бўлади. ЎзР МВ ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия апаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи Зафаржон Хўжаев пенсияни қайта ҳисоблаб чиқишнинг барча жиҳатлари ҳақида сўзлаб беради.

– **Пенсионер қандай ҳолларда ва қачон пенсияни қайта ҳисоблаб чиқишни сўраб мурожаат қилиши мумкин?**

– Муайян ҳолатлар юзага келганда исталган вақтда пенсиянинг тайинланган тури миқдорини қайта ҳисоблаб чиқишни сўраб мурожаат қилиш мумкин.

Қуйидаги ҳолатлар қайта ҳисоблаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади:

а) пенсия ҳужжатлар йиғмажилдида мавжуд бўлмаган ва пенсия миқдорига таъсир кўрсатадиган қўшимча ҳужжатлар

тақдим этилиши (иш стажи ва пенсия таъинлангунга қадар иш ҳақи тўғрисида);

б) ногиронлик гуруҳининг ўзгариши;

в) боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи оила аъзолари сонининг ўзгариши;

г) устама ҳақ олиш ҳуқуқининг пайдо бўлиши;

д) энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг ўзгариши;

е) даромадларнинг индексация қилиниши.

Маълумот учун!

1140 – Пенсия жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси бўйича ягона **ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ**. Шу рақамнинг ўзини териб (вилоят ва шаҳар кодларини қўшимча термасдан) алоқа боғлаш мумкин.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот қўмағида тайёрланди.

БУГУНГИ СОНДА:

АСЛИМИ ЁКИ
КЎЧИРМА
НУСХАСИ?

Маълумотномалар
флешкада
бўлганда

4

ТЎЛАНИШИ ПОЗИМ

Нафақа –
иш жойи бўйича

6

КАМРОҚ
ТЎЛАЙДИЛАР

Якка тартибдаги
тадбиркор учун
имтиёз

7

ҚАЧОН ПЕНСИЯ
СЎРАБ МУРОЖААТ
ҚИЛИШ КЕРАК

Бунни билган
маъқул

8

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

1-МИСОЛ. Аёл пенсия ҳисобланганидан кейин ўз вақтида қўшиб ҳисобланмаган даврдаги стажи ва иш ҳақини тасдиқловчи архив маълумотномасини Пенсия жамғармасига тақдим этди. Ушбу вазият муносабати билан унинг пенсия миқдори ошиш томонга қайта ҳисоблаб чиқилди.

2-МИСОЛ. Киши туман коэффицентлари белгиланган жойда муайян муддат ишлаган эди. Шунинг ҳисобга олиб, пенсияни қайта ҳисоблаб чиқишни сўраб мурожаат қилди. Бу ҳолда пенсия қайта ҳисоблаб чиқилмайди, сабаби туман коэффицентлари пенсияга эмас, балки иш ҳақида белгиланади. Унга пенсия ҳисоблашда амалдаги (коэффицент ҳисобга олинган) иш ҳақи инобатга олинган.

Шу ўринда пенсионерлар юқорида санаб ўтилган ҳолатларга тааллуқли ўзгартиришлар ҳақида Пенсия жамғармаси бўлимини ўз вақтида (ўша куниёқ) хабардор қилишлари шартлигини қайд этиб ўтмоқчиман.

– Пенсия жамғармаси бўлимига қандай ҳужжатларни тақдим этиш лозим?

– Пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш тўғрисидаги аризадан ташқари пенсионер яшаш жойи бўйича пенсия бўлимига қайта ҳисоблаш ҳуқуқини берувчи ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши шарт. Устама ҳақ олиш ҳуқуқи юзага келганда – фахрий унвон олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этди. Ногиронлик гуруҳи ўзгарганлиги тиббий маълумотнома билан тасдиқланади ва х.к.

Қуйидаги ҳолларда пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш тўғрисида ариза бериш талаб қилинмайди:

- қонун ҳужжатларига мувофиқ ЭКИХнинг миқдори ўзгарганда;
- тайинланган пенсия миқдори камайишига олиб келган ҳолатлар юз берганда;
- оиланинг 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган аъзоларидан бири таълим муассасасидан берилган унинг ўқувчи эканлиги ҳақидаги маълумотномани тақдим этган тақдирда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи оила аъзолари сони ўзгарганда;
- ногиронлик гуруҳи ўзгарганда;
- I гуруҳ ногиронлиги белгиланганда (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 149-банди).

Оиланинг вояга етмаган аъзоси (боқувчисини йўқотганлик пенсияси) ёки белгиланган тартибда ҳуқуқий лаёқатсиз деб эътироф этилган шахснинг номидан пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш тўғрисидаги ариза унинг ота-онаси ёки қонуний вакили яшайдиган жой бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига берилиши мумкин.

– Пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш тўғрисидаги аризалар қанча муддатда кўриб чиқилади?

– Ариза 5 кун муддатда кўриб чиқилади. Қайта ҳисоблаш рад этилган тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлими қарор чиқарилгандан кейин 5 кундан кечикмай сабабларни ва қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилиш тартибини кўрсатган ҳолда пенсионерни бу ҳақда хабардор қилиши шарт. Пенсионер тақдим этган ҳужжатлар олинганлиги тўғрисидаги тилхат билан унинг қўлига қайтарилади.

Ижобий қарор қабул қилинганда барча зарур ҳужжатлар билан бирга ариза билан мурожаат қилинган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан бошлаб пенсия қайта ҳисобланади.

Пенсия миқдори камайишига олиб келган ҳолатлар юз берганда (боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи оила аъзолари сони ўзгариши, ногиронлик гуруҳининг ўзгариши) қайта ҳисоблаш ушбу ҳолатлар бошланган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан бошлаб амалга оширилади (252-сон Низомнинг 152-банди).

Ўз навбатида пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди сақланадиган Пенсия жамғармаси бўлими пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш зарурлигига олиб келган боқувчисини йўқотганлик бўйича улушли пенсия олувчи оила таркибидан юз берган барча ўзгаришлар тўғрисида боқувчисини йўқотганлик бўйича улушли пенсия тўлайдиган пенсия бўлимига хабар қилишга мажбур (252-сон Низомнинг 153-банди).

– Қандай ҳолларда пенсияни қайта ҳисоблашни сўраб мурожаат қилиш ўринсиз саналади?

– Баъзан ишловчи пенсионерлар пенсияни қайта ҳисоблашни сўраб мурожаат қиладилар. Афсуски, пенсия тайинлангандан кейин эга бўлган стаж ва олинган иш ҳақи ҳисобга олинмайди. Шунингдек, умумий белгиланган ёш камайитрилган ҳолда пенсияга чиққанлар умумий белгиланган ёшга тўлгач, шу илтимос билан мурожаат қилганларида ҳам пенсия қайта ҳисобланмайди.

– Пенсияни қайта ҳисоблаб чиқиш ҳақида барча маълумотларни бердиңиз. Энди ўқувчимиз тушиб қолган вазиятни изоҳлаб берсангиз.

Аёл ёшга доир пенсияга чиққан. 2016 йилда ариза ёзаётганида инспектор исталган йиллардаги стажини кўрсатишини сўраган. Ҳисоб-китоб қандай қилинишини билмаган пенсионер 2010 йил июлидан 2015 йил июлигача бўлган даврни кўрсатган. Энди пенсияни қайта ҳисоблаб, 2009 йил октябридан 2014 йил ноябргача даврдаги пенсия кўпроқ чиқишини билиб қолди. Аёл пенсияни қайта ҳисоблашни сўраб Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилди, ана шу йиллар учун аризани қайтадан ёзиб, қўшимча ҳужжатларни тақдим этмади. ПЖ бўлимидагилар пенсия ҳозиргисидан кам чиқишини айтиб, қайта ҳисобламасликни таклиф қилдилар. Улар ўртача энг кам иш ҳақини (ЎЭКИХ) ҳисоб-китоб қилишда пенсияга чиқиш йилини (2015 йил июлидан 2016 йил июлигача) эмас, балки қайта ҳисоблаш тўғрисида ариза берилишидан олдинги 12 ой давомидаги ўртача энг кам иш ҳақини, яъни 2017 йилни оладилар.

ПФдагиларнинг ишонтиришича, берилган янги ариза – ҳисоб-китоб учун қўшимча ҳужжат эмиш.

У ҳолда иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти, ЎЗКИХ қандай ҳисоблаб чиқилади? Пенсия жамғармаси бўлимининг ходимлари тўғри ҳаракат қиляптиларми?

М.К. Тошкент ш.

– Ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар, охириги 10 йиллик меҳнат фаолияти давомидидаги исталган кетма-кет 5 йил учун (пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) ойлик иш ҳақи олинади.

Пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахс аризада кўрсатилган талаблардан келиб чиққан ҳолда у танлаган 5 йиллик даврни кўрсатади (252-сон Низомнинг 86-банди).

Мурожаат қилинган санадаги якка тартибдаги коэффицентни қўллаган ҳолда иш ҳақи миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби 252-сон Низомнинг 142-бандида белгиланган. Чунончи, у қуйидаги ҳолатларда қайта ҳисоблаб чиқилади:

➤ пенсионер томонидан пенсия миқдорига таъсир кўрсатадиган (иш стажы ёки иш ҳақи тўғрисидаги ва бошқа) қўшимча ҳужжатлар тақдим этилганда;

➤ пенсиянинг бир тури пенсиянинг бошқа турига ўтказилганда;

➤ бошқа давлатдан келган шахснинг, шу жумладан, илгари Ўзбекистондан кетган шахснинг пенсия ҳужжатлари йиғмажилди ҳисобга қабул қилиб олинганда, у пенсияни бошқа давлатда олганлиги ҳолатидан қатъи назар;

➤ битта боқувчининг вафоти муносабати билан боқувчисини йўқотганлик пенсияси олаётган шахсга иккинчи боқувчисининг вафоти муносабати билан чин етим сифатида боқувчисини йўқотганлик пенсияси расмийлаштирилганда.

Фуқаро 2009–2014 йиллардаги стажы ва иш ҳақи тўғрисида қўшимча ҳужжатларни тақдим этмаганлигини инобатга олиб, Пенсия жамғармаси бўлими ходимлари қайта ҳисоблаш тўғрисида ариза берилган кунда эмас, балки **пенсия дастлаб тайинланган санада** белгиланган ЎЗКИХни қўллаган ҳолда пенсия миқдорини қайта ҳисоблашлари керак эди.

Яна қайта ҳисоблаб чиқилган пенсия миқдори тўланаётган пенсиядан кўпроқ бўлиб чиқса, янги миқдордаги пенсия пенсионер пенсияни қайта ҳисоблаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан бошлаб тўланиши керак бўлади.

Алла Ромашко суҳбатлашди.

Расмий ҳужжат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

ПЕНСИЯ, НАФАҚА ВА БОШҚА ТЎЛОВЛАРДАН ЧЕГИРМА ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИНГ 13-БАНДИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги ПФ-5291-сон «Меҳнат фаолиятини олиб бораётган пенсионерларнинг алоҳида тоифаларига қўлай шaroитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ **бўяраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 5 октябрдаги 77-сон буйруғи (рўйхат рақами 2835, 2016 йил 26 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 510-модда) билан тасдиқланган Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 13-банди биринчи хатбоҳиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«13. Пенсионер Пенсия жамғармаси бўлимининг ортқича тўланган пенсия суммасини ушлаб қолиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, аниқланган қарздорлик у аниқланган санадан бошлаб кўпи билан уч йил учун суд орқали ундирилади.»

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир
Д.КУЧКАРОВ.

Тошкент ш.,
2018 йил 12 февраль
21-сон.

*Ушбу буйруқ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 21.02.2018 йилда расман эълон қилинган.

Маълумот учун!

Ташкилотнинг устав капиталида (фондида) иштирок этиш муносабати билан олинган **ДАРОМАДЛАР ВА ДИВИДЕНДЛАР** иш ҳақи таркибига **КИРИТИЛМАЙДИ**.

Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Расмий жавоб

Танлов асосида

? Пенсияга чиқаётганимда сўнги 15 йил давомида асосий иш жойим бўлган ташкилот тугатилганлиги, у иш ҳақи ва кадрларга оид ҳужжатларни архивга топширмаганлиги маълум бўлди. Пенсия учун асосида иш ҳақимни тасдиқлай олмайдиганга ўхшайман. Бир вақтнинг ўзида ўриндошлик асосида ҳам ишлаганман, ўриндошлигим тўғрисида меҳнат дафтарчасида ёзув ҳам қайд этилган, барча солиқлар ва сугурта бадаллари тўланган.

Пенсияни расмийлаштириш учун пенсия бўлимига иш стажини ҳисобга киритишлари учун ўриндошлик асосидаги ишим тўғрисидаги маълумотномаларни ва пенсия ҳисобланиши учун иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишим мумкинми?

Зафарова. Тошкент ш.

— **Ҳа, мумкин.** Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинган иш ҳақига қонун ҳужжатларига мувофиқ сугурта бадаллари ҳисобланганидан меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар қўшилади. Ушбу иш ҳақи асосий иш жойидан ҳам, ўриндошлик асосида ишлаб ҳам олинган бўлиши мумкин («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун 32-моддаси).

Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми «а» бандига мувофиқ эса, фаолият тури, мулк ва ҳўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий сугурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у бюджетдан

ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган бўлса, иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Агар асосий ва ўриндошлик бўйича ишлаш даври бир вақтнинг ўзида бир даврга тўғри келса, у ҳолда пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун иш стажига пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг **хоҳишига кўра фақат бир давр** қўшиб ҳисобланади (252-сон Низомнинг 36-банди).

Тегишинча, асосий банд бўлган жойингиздаги иш стажини тасдиқлай олмасангиз, ўриндошлик асосида ишлаган жойингиздаги стажни тасдиқлашингиз мумкин.

Аслими ёки кўчирма нусхаси?

? Пенсия расмийлаштириш учун ҳужжатларни тўплайман. Давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетимга почта орқали юборилган архив маълумотномаларининг барчаси ҳам асл нусхада эмас. Электрон нусхаси юқлаб олинган ва қоғозга чиқарилган архив маълумотномаларини Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этиш мумкинми? Ёки фақат асл нусхаси керак бўладими?

Е.А. Тошкент ш.

— Иш стаж ва иш ҳақи тўғрисидаги архив маълумотномаларининг асл нусхалари тақдим этилиши керак (252-сон Низомнинг 12-банди).

Қўлингизда архив маълумотномаларининг асл нусхалари бўлмаса, уларнинг кўчирма нусхаларини тақдим

этиб, ушбу маълумотномаларни расмийлаштирган архивдан уларнинг асл нусхаларини тақдим этишини талаб қилиш юзасидан Пенсия жамғармаси бўлими ёрдам кўрсатишини сўрашингиз мумкин (252-сон Низомнинг 15-банди).

ШЖБПҚ — карточкага

? Пенсионер Халқ банкида пластик карточка очтириб, ШЖБПҚдаги барча жамғармаларини унга ўтказиши, кейин эса унга ҳисобланадиган (даромад олганда) фоизларни олиши мумкинми? Пенсионернинг ўзи ёки учинчи шахс карточкадаги ушбу счётни тўлдириб тура оладими?

Низомиддинова. Тошкент ш.

— Пенсионер ШЖБПҚдаги барча жамғармаларини банк карточкасига, у қайси банкда очилганлигидан қатъи назар (улар банкнинг алоҳида счётидаги жамғарма бўлганлиги сабабли унга нисбатан ҳам банк омонатларига бўлганидек талаблар қўлланилади), ўтказиши мумкин.

Маблағлар қолдиги фоизлар ҳисобланиши тартиби ва унинг пенсионер ёки учинчи шахслар томонидан тўлдириб турилиши имконияти банк билан пенсионер ўртасида имзоланган **шартномада** белгиланади.

Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Ўриндошлик асосида ишловчи пенсионер

? *Ишловчи пенсионер сифатида пенсиянинг 50%ини оламан. Ўриндошлик асосида ишлашга имконим бор. Бухгалтерияда айтишларича, бу ҳолда пенсиям камроқ тўланар эмиш. Ўриндошлик асосидаги иш ишловчи пенсионерга тўланадиган 50 фоизлик пенсия миқдорида таъсир кўрсатадими?*

Хўжамуродов А. Тошкент ш.

— Йўқ, таъсир кўрсатмайди, сабаби ўзингизга тегишли пенсиянинг 50%ини олаясиз. Пенсия бу суммадан камаймайди.

Ўриндошлик асосида ишловчи пенсионерларга пенсия


асосий иш жойидан тўланади (АВ томонидан 30.04.2011 йилда 2222-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 4-банди).

Шикоят қилиш ҳуқуқи

? *Амаким — пенсионер. Пенсиям нотўғри ҳисобланган деб ўйлайди. Ҳисобига кўра, у кўпроқ бўлиши керак. Пенсия жамгармасидагилар ҳаммаси тўғри эканлигига ишонтиришмоқда. У тушунтириш олиш ва қайта ҳисоблаб чиқиш учун қаерга мурожаат қилиши мумкин?*

К.Р. Тошкент ш.

— Пенсия жамгармаси бўлими комиссиясининг (пенсия олиш ҳуқуқи ва унинг миқдорини ушбу орган белгилайди) қарори юзасидан ариза берувчи томонидан Пенсия жамгармаси бўлимининг бевосита юқори органига ёки судга шикоят қилиш мумкин (252-сон Низомнинг 121-банди).



Тўланиши лозим

? *Ташкилотимизда пенсионер ходим вафот этди. Дафн этишга нафақани у ишлаган ташкилот тўлайдими ёки Пенсия жамгармаси бўлимими? Нафақани олишга ким ҳақли?*

Ережева. Тошкент ш.

— Сизнинг ҳолатда дафн этишга нафақани марҳум ишлаган ташкилот тўлайди (Низомнинг 6-банди, ВМнинг 14.06.2011 йилдаги 174-сон қарорига 1-илова).

Муайян вазиятлар юзга келганда, масалан, ташкилот қайта ташкил этилганда, қўшиб юборилганда, бўлинганда нафақалар унинг ҳуқуқий вориси томонидан тайинланади ва тўланади.

Ташкилотда, унинг раҳбарияти тасдиқлаганидек, маблағлар йўқлиги ёки етарли эмаслиги туфайли нафақа тўлаш мумкин бўлмаган, шунингдек нафақа тайинлаш учун мурожаат қилинган муддат мобайнида ташкилот тугатилган тақдирда нафақа Пенсия жамгармаси бўлими томонидан тайинланади (174-сон Низомнинг 36, 37-бандлари).



Маълумот учун!

Боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан бошқа оила аъзоларига (васийликдагиларга) пенсия олувчи **ВАСИЙЛАРГА ПЕНСИЯ** уларнинг яшаш жойи бўйича **ТЎЛИҚ МИҚДОРДА** тўланади.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Нафақа марҳумнинг эрига (хотинига), ота-онасига, фарзандларига ва бошқа қариндошларига ёки марҳумнинг қонуний вакилига, бундай шахс бўлмаган тақдирда эса – дафнни амалга ошириш мажбуриятини зиммасига олган бошқа шахсга тайинланади ва тўланади. **Дафн этиш мажбуриятини зиммасига олган юридик шахсларга нафақа тўланмайди.**

Нафақа:

- а) давлат пенсияси олувчи пенсионер;
- б) давлат ижтимоий нафақаси олувчи фуқаро;
- в) ходим ёки унинг қарамоғидаги оила аъзоси;
- г) бола ҳаётининг биринчи ҳафтаси мобайнида вафот этганда ёки ўлик бола тутилганда (перинатал ўлим);

д) иш билан банд бўлган ёки банд бўлмаган шахс, фуқароларнинг айрим тоифаларига тегишли бўлган шахс ёки бола;

е) республикаси ҳудудида дафн этилган Ўзбекистонда доимий яшаш жойига эга бўлмаган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс вафот этган тақдирда тайинланади.

«а», «б», «г», «д» ва «е» кичик бандларида кўрсатилган шахслар вафот этган тақдирда нафақа Пенсия жамғармасининг бўлимлари томонидан тайинланади.

Нафақа учун унга бўлган ҳуқуқ юзага келгандан кейин 60 кун мобайнида мурожаат қилиш мумкин. Дафн этиш мажбуриятини зиммасига олган шахсга ЭКИХнинг 4 бавари миқдорида нафақа тўланади.

Тасдиқлаш талаб этилади



55 ёшда пенсияга чиқаётганда қайси даврдаги иш ҳақи тўғрисида маълумотномани тақдим этиш зарур? Сўнги 10 йилдаги ёки бутун меҳнат қилиш давридаги?

Д.Сайфуллаева. Тошкент ш.

– Пенсия миқдори нафақат иш ҳақи, балки иш стажининг муддатига ҳам боғлиқ бўлади (Қонуннинг 25–27-моддалари).

Фаолият тури, мулк ва ҳўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий сўғур-таланган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Пенсия жамғармасига сўғурта бадаллари тўлаган бўлса, иш стажига қўшиб ҳисобланади (Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми «а» кичик банди).

Бунда сўғурта бадаллари тўланганлиги далилини 252-сон Низомга 12 ва 13-иловаларда келтирилган шакл-

лар бўйича расмийлаштириладиган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномаларга қараб аниқлаш мумкин.

Шу сабабли **Пенсия жамғармаси бўлимлари** қор-хоналар, ташкилотлар ва айрим шахслардан тегишли ҳужжатларни **талаб қилиш**, зарур ҳолларда эса, уларнинг берилиши асослигини текшириш **ҳуқуқига эгадирлар** (Қонуннинг 43-моддаси 7-қисми).

Шунингдек улар пенсиялар тайинлаш масалалари юзасидан тушунтириш ва маълумотлар беришлари, шунингдек аризага зарур ҳужжатларни олишида **қўмакла-шишлари шарт** (Қонуннинг 43-моддаси 6-қисми).

Зафаржон Хўжаев,

ЎзР МВ ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи.

Бизга мактуб йўллабсиз

Ҳамма билан баробар



Ҳолам Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга эмас. 15 йилдан буён шу ерда яшаб ва ишлаб келади. Яшаш гувоҳномасига эга. Бу ерда пенсия олишга ҳақлими?

Р.А. Тошкент ш.

– Ҳа, албатта. Ўзбекистонда доимий яшаб турган чет эл фуқарolari ва фуқаролиги бўлмаган шахслар пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси).

Пенсия тайинланиши учун у қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшагани тасдиқловчи истиқомат учун берилган гувоҳномани тақдим этиши керак (252-сон Низомнинг 18-банди).



Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Фидокорона меҳнати учун

? Меҳнат фахрийлари учун қандай имтиёзлар мавжуд?

Райҳон А.

– Меҳнат фахрийлари учун қуйидаги имтиёзлар назарда тутилган:

➤ яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари биринчи навбатда берилади (*Низомнинг 13-банди, ВМнинг 30.12.2006 йилдаги 272-сон қарорига 1-илова*);

➤ маданият ва дам олиш муассасаларининг пуллик хизматларидан фойдаланишда белгиланган тарифнинг 50%ини тўлаш. Булар театрлар, кино, музейлар, хиббонлар, қўриқланадиган табиат ҳудудлари ва моддий-маданий мерос объектларидир (*Тартибнинг 6-банди, ВМнинг 10.03.2015 йилдаги 53-сон қарорига 3-илова*);

➤ давлат корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилаётганда ва ҳусусийлаштирилаётганда унда камида 10 йил ишлаганлар акциялар ва бошқа мулкни бўлиб-бўлиб ҳақ тўлаш орқали сотиб олиши (*«Давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси*).

Агар 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, улар учун йилига бир марта санаторийларда бепул соғломлаштириш курсидан (12 кунлик) ўтиш назарда тутилган (*13.10.2014 йилдаги ПФ-4658-сон Фармон*). Бунда 2015 йилдан бошлаб санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бораётган меҳнат fronti фахрийларига ҳар йил 1 марта темир йўл транспортида бепул юриш ва ҳаво транспортида имтиёзли юриш ҳуқуқи берилган (*ВМнинг 23.04.2015 йилдаги 100-сон қарори*).

Фуқароларнинг ушбу тоифасига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ЭКИХнинг 25%и миқдорда ҳар ойда компенсация пул тўловлари ҳам берилади (*14.04.2015 йилдаги ПФ-4715-сон Фармон*).

Ҳаммаси ҳисобга олинади

? Армияда ўталган хизмат стажга қирадимиз?

Равиль Ш.

– Ҳарбий хизмат, шунингдек давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш иш стажига қўшиб ҳисобланади (*Қонуннинг 37-моддаси «б» банди*). У тинч вақтда ўталган бўлса, бир ҳисса баробарида ҳисоблаб чиқарилади.

Айни пайтда ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасалардаги, жанговар ҳаракатлар даврида партизан отрядлари ва қўшилмала-

ридаги хизмат ва эркин ёлланганлар таркибидаги иш, байналмилал бурчни бажаришда жанговар ҳаракатларда иштирок этганлик учун уч ҳисса баробарида ҳисобланади (*Қонуннинг 38-моддаси «а» банди*).

Бироқ пенсия олиш ҳуқуқини белгилаётганда пенсия билан таъминлаш ҳуқуқини берувчи иш стажы имтиёзли тарзда ҳисоблаш қоидалари қўлланмай аниқланади.

Камроқ тўлайдилар

? Яқка тартибдаги тадбиркорда сугурта бадалларини тўлашга доир имтиёз борми?

Баҳром А. Тошкент ш.

– Ҳа, бундай имтиёз бор. Чунончи, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган тадбиркор ва унинг ходимлари, шунингдек I ва II гуруҳ ногирони бўлган шахслар учун сугурта бадалининг миқдори унинг белгиланган энг кам миқдорининг камида 50%ини ташкил этиши керак (*Солиқ кодексининг 311-моддаси 3-қисми*).

Худди шундай ҳуқуқ юридик шахсларда ва бюджет ташкилотларида меҳнат шартномаси бўйича ишловчи I ва II гуруҳ ногиронларига нисбатан назарда тутилмаган, яъни улар сугурта бадаллари ва ЯИТни тўлиқ миқдорда тўлайдилар.

Мавзуйий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Буни билган маъқул

Қачон пенсия сўраб мурожаат қилиш керак

Пенсияни расмийлаштирмоқчи бўлганлар яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига уни сўраб мурожаат қилиш муддатларини ёдда тутмоқлари лозим.

Куйидагича тартиб ўрнатилган:

➤ **ёшга доир** — пенсия ёшга тўлган кундан бошлаб, агар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганидан сўнг **60 кундан** кечиктирмай (илгари — 3 ой эди) пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этилган кундан;

➤ **ногиронлик** — ТМЭК томонидан ногиронлик белгиланган кундан бошлаб, агар ногиронлик белгиланганидан сўнг



60 кундан кечиктирмай (илгари — 3 ой эди) мурожаат этилган бўлса.

Қолган барча ҳолатларда пенсия мурожаат этилган кундан бошлаб тайинланади.

Бундан ташқари, пенсионер вафот этгани муносабати билан олинмай қолган пенсия, шунингдек дафн этишга нафақа энди пенсионер вафот этганидан кейин **60 кундан** кечиктирмаган муддатда (илгари — 6 ой эди) тўланади.

Хориж тажрибасидан

Москваликлар учун «фаол умргузаронлик»

Россия пойтахтида 1 мартдан бошлаб кекса кишиларга соғлом турмуш тарзини кечиршида ёрдам берувчи кенг миқёсли лойиҳа иш бошлади.

Йил бошидан тайёргарлик кўрилди. Кекса ёшдаги кишилар учун шаҳарнинг турли туманларида қўшимча спорт ва ижодий секциялар ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Москва мэри Сергей Собянин Россияда ҳам, жаҳонда ҳам лойиҳанинг деярли ўхшаши йўқлигини қайд этди.

Пойтахт мэриясида айтишларича, 500 мингга яқин киши «Фаол умргузаронлик» лойиҳасида қатнашиш

истагини билдирган. Ҳозирча ашула айтиш, рақс ва скандинав услубида юриш машғулоти оммабоплиги кузатилмоқда. Дастур 3 йўналишдан иборат: жисмоний тайёргарлик, ижод ва таълим. Мэриядагилар янада ғаройиб қизиқишларни ҳам инobatга олишга ваъда бермоқдалар.

Йога ва ушу билан шугулланишни истовчилар учун (шундайлар ҳам бор) ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари эҳтиёж ва имкониятга қараб

ана шундай машғулотларни жорий этадилар.

Пенсионерлар ижтимоий хизмат кўрсатиш марказларида машғулотларнинг тўлиқ рўйхати билан танишишлари ва кўнгилларига ёққанини танлашлари мумкин. Шундан сўнг уларнинг аризалари асосида машғулотлар учун гуруҳлар шакллантирилади.

Манба: Интерфакс.



Реклама

«КИЧИК КОРХОНА-ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасининг тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробот тумани, Таълимаржон кў. 1/1. Тел. (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Автомобилотранспорт воситаларини тайёрлаш ва қайта жиҳозлаш – фақат рухсатнома билан

Вазирлар Маҳкамасининг 22.02.2018 йилдаги 138-сон қарори («СБХ» газетасининг ушбу сон ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда) билан Автомобилотранспорт воситаси конструкциясининг ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома ва автомобилотранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Автомобилотранспорт воситаларини тайёрлаш ва қайта жиҳозлаш хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан қуйидаги рухсат берувчи ҳужжатларга асосан автотранспорт воситасини қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилади:

1) автомобилотранспорт воситаси конструкциясининг ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома. Мазкур ҳужжат тадбиркорларга автомобилотранспорт воситасини қайта жиҳозлаш ва (ёки) автомобилотранспорт воситаси ва (ёки) унинг қисмларини тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини беради.

2) автомобилотранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома. Автомобилотранспорт воситасини қайта жиҳозлашнинг аниқ тури бўйича, агар гувоҳномада жиҳозлашнинг ушбу тури белгиланган бўлса, бир марталик фаолиятни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектига берилади.

Маълумот учун: автомобилотранспорт воситасини қайта жиҳозлаш – бошқа модель ва модификацияларнинг агрегат ва узеллари, эҳтиёт қисмлари ва

бутловчи деталларидан фойдаланган ҳолда автомобилотранспорт воситаси конструкцияси ва таркибий қисмларининг элементларига ўзгартиришлар киритиш.

Гувоҳнома ва рухсатноманинг амал қилиш муддати – 1 йил. Уларни олиш учун берилган ариза 15 иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқилади.

Гувоҳнома бериш тартиби

Гувоҳнома олиш учун тадбиркорлик субъекти ЙХХББга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

➤ белгиланган шаклда гувоҳнома бериш тўғрисида ариза;

➤ намуналарнинг ЙХХ соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги юзасидан ўтказилган қабул синов далолатномасининг нусхаси;

➤ тегишли ташкилот стандартининг (Тс) нусхаси – автомобилотранспорт воситасини қайта жиҳозлашнинг аниқ тури ва (ёки) аниқ марка ва моделдаги автомобилотранспорт воситаси ва (ёки) унинг қисмларини тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектига белгиланган тартибда берилган ҳужжат.

Бу – муҳим! Автотранспорт воситаларига газ баллон жиҳозлашнинг ўрнатиш бўйича хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъекти уларнинг алоҳида моделлари конструкциясининг техник лойиҳаси нусхасини ҳам тақдим этади. ЙХХББ бошқа зарур ҳужжатларни тегишли органлардан мустақил равишда сўраб олади.

Тадбиркорлик субъекти ўзи томонидан қайта жиҳозланган автомобилотранспорт воситаси эгасига қайта жи-

ҳозлаш амалга оширилганлиги ҳақида ёзув киритилган гувоҳнома нусхасини беради. Мазкур гувоҳнома нусхаси қайта жиҳозланган автомобилотранспорт воситасини ДИХХХ органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) учун асос ҳисобланади.

Рухсатнома бериш тартиби

Автомобилотранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома тадбиркорлик субъектига унинг эгасининг (юридик ёки jisмоний шахсининг) аризасига асосан берилади. Аризага қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади:

➤ эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар;

➤ автомобилотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтиш гувоҳномаси (техник паспорт, техник талон) ёки автомобилотранспорт воситасининг мазкур эгага тегишли эканлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат нусхаси.

Автомобилотранспорт воситасининг эгаси қайта жиҳозлаш учун ташкилотни танлаш ҳуқуқига эга, бу ҳақда аризада кўрсатилади. Ариза қаноатлантирилгач, ЙХХББ ушбу автомобилотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилган жойдаги тегишли ҳудудий ЙХХББга рухсатноманинг нусхасини юборади. У ерда қайта жиҳозлаш ўтказилгандан кейин қайта рўйхатдан ўтказиш амалга оширилади.

ЙХХББда аризани кўриб чиқиш, гувоҳнома ва рухсатномани бериш, қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини ўзайтириш ва дубликатини бериш учун йигим ундирилмайди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 23.02.2018 йилда эълон қилинган ва 26.02.2018 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова,
«Norma» эксперти.



Парковка тақиқланган

Тошкент ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари шаҳар марказидаги тўхтаб туришни тақиқловчи 100 дан ортиқ белгилар олиб ташлади.

Март ойининг бошидан тақиқловчи белгилар демонтаж қилина бошлади. Бошқарма ходимлари инвентаризация давомида долзарблигини йўқотган «Тўхтаб туриш тақиқланган» белгиларини демонтаж қилмоқдалар, шунингдек кўп жойларда «Тўхтаб туриш тақиқланган» белгиларини алмаштирмоқдалар.

ЙХХББ вакилларининг сўзларига қараганда, ишлар яна бир неча кун давом эттирилади, сўнгра белгилар олиб ташланган ёки ўзгартирилган кўчаларнинг тўлиқ рўйхати Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг ubdd.uz янги сайтида эълон қилинади.

«Янгилик киритиш ҳам назарда тутилмоқда – ходимларимиз тунда яхши кўринадиган махсус нур қайтарувчи белгиларни ўрнатадилар», – дея хабар берди пойтахт ИИББ бошлиғи ўринбосари Дониёр Тошўжаев.

Пойтахтнинг марказий қисмида парковкани тақиқловчи кўп белгилар ўрнатилган. Уларни ҳаракат трафиғи ёки хавфсизлиги учун унча зиён етказмай демонтаж қилиш мумкин.

Ўтган йил октябрда ўрнатилган йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўл ҳаракатини тартибга солиш бўшқа техник воситаларини инвентаризациядан ўтказишга доир чора-тадбирлар дастури тасдиқланган эди.

Ҳужжатда эскирган йўл белгиларини замонавий, юқори интенсив қопламаларига босқичма-босқич алмаштириш назарда тутилмоқда. 2019 йил 1 январга келиб мамлакатимизда йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари ва йўл ҳаракатини тартибга солиш бўшқа техник воситаларининг ягона электрон маълумотлар базасини ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Интернет тармоғи материаллари асосида.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Қўаламзорлаштириш, экиш, дизайн. Қўчалар: барги тўқиладиган, игнабаргли, мева. Тўлов исталган усулда. Тел. (+998 90) 317-33-45, факс (+998 71) 262-48-16.

Бензин учун ҳисоб-китоб қилишга корпоратив карта

Корхонамиз корпоратив карточка орқали бензин сотиб олади.

1. Президентнинг 14.11.2017 йилдаги ПҚ-3386-сон қарорига мувофиқ, 1.01.2018 йилдан бошлаб дизель ёнилғиси ва бензин фақат биржа савдолари орқали реализация қилинмоқда. Ушбу қарор барча корхоналарга татбиқ этиладими?

2. ЁММ омборлари бўлмаган корхоналар нима қилишлари керак?

3. Бензин ва дизель ёнилғисини корпоратив карточка орқали сотиб олишни давом эттиришимиз мумкинми?

П.Обидов.

1 Ҳа, ҳақиқатан ҳам, Президентнинг 14.11.2017 йилдаги ПҚ-3386-сон қарорига нефть маҳсулотлари биржа савдолари орқали реализация қилиниши ҳақида сўз борган. Бироқ автомобиль бензинини савдопар орқали реализация қила бошлаш муддати ҳали тасдиқланмаган (ПҚ-3386-сон қарор билан тасдиқланган Рўйхатга изох). 2018 йилдан бошлаб моддий-техника ресурслари стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби бекор қилинганлиги муносабати билан (ВМнинг 5.02.2004 йил-

даги 57-сон қарори билан тасдиқланган) ҳам юридик шахсларга автобензинни реализация қилишнинг янги тартиби белгиланмаган.

2 Истеъмол қилувчи корхоналар ЁММ омборларига эга бўлишлари шарт эмас, сабаби автобензинни реализация қилишга шартномалар тузган сотувчи корхоналар автомобилларга ёнилғи қуйиш учун ўз АЁҚШлари рўйхатини тақдим этадилар.

3 Бугунги кунда юридик шахсларнинг корпоратив пластик карта воситасида автобензин сотиб олишига бевосита тақиқ мавжуд эмас. Бироқ қонун ҳужжатларидаги ўзгартиришлар муносабати билан нефть маҳсулотларини сотувчи корхоналар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишни тавсия этамиз.

Ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузганлик учун мансабдор шахсларга ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солиш назарда тутилган (МЖТКнинг 172-моддаси).

Дарина Абухович,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИК

Хусусий курсларнинг ҳайдовчиларни тайёрлаши, қайта тайёрлаши ва малакасини оширишига рухсат берилади

Вазирлар Маҳкамасининг 23.02.2018 йилдаги «Автомобилтранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сон қарори эълон қилинди.

Ким малака оширишдан ўтиши шарт

Белгиланишича, у фуқароларнинг 2 тоифаси (рўйхат кенгайтирилган) учун мажбурийдир:

➤ юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситаларини бошқараётган шахслар – 2 йилда 1 марта. Юридик шахсларнинг автотранспортини қисқа муддатли ижара (прокат) ва лизинг асосида бошқараётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва бошқа jisмоний шахслардан ташқари;

➤ автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар – маъмурий жазо муддати ниҳоясига етган ва ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ҳамда амалий имтиҳонлар топширунгича.

Бу – муҳим! Илгари юридик жиҳатдан маълум қилинган мажбурий малака оширишни жорий этиш санаси 1.01.2018 йилдан ВМнинг 23.02.2018 йилдаги 139-сон қарори эълон қилинган санага, яъни 2 ой кейинга қўйрилди. Ҳозир малака ошириш мажбурий ҳисобланади.

Масалан, 26.02.2018 йилдан бошлаб ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этилган, сертификатсиз шахслар ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ҳамда амалий имтиҳонларни топширишга қўйилмади.

Юридик шахсларнинг ҳайдовчилари эса қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда малака оширганлик тўғрисидаги сертификатга эга бўлишлари ва уни ИИО ходимларига тақдим этишлари шарт (*Йўл ҳаракати қоидаларининг 17-банди*). Ушбу норма ўз кучини сақлаб қолди («Avtotest Report» МЧЖ томонидан фақат сертификат берилиши бекор қилинди).

Бироқ сертификат йўқлиги учун жараима ҳали жорий этилмади. ВМнинг 4.09.2017 йилдаги 693-сон қарорига мувофиқ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга (135-модда) тегишли тузатишлар 2018 йил 1 июлдан бошлаб кучга кириши учун Адлия вазирлигига уларнинг ишлаб чиқилишини таъминлаш топширилди. Бунинг устига, ушбу санадан бошлаб сертификатнинг йўқлиги ташиш учун лицензия/лицензия карточкаларидан маҳрум этишга олиб келиши мумкин. Бироқ қонунларга киритиладиган қўшимчалар ҳақида сўз бораётгани сабабли якуний қарорни Олий Мажлис ва Президент чиқаради.

1 июлга ҳозирлик кўрамиз

1 июлга келиб юридик шахсларнинг барча ҳайдовчиларидан сертификат талаб қила бошласалар, қаерга бориб ўқиш керак деган савол юзага келади.

Бу – муҳим! 1 июндан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссияси автотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга лицензияларни нодавлат таълим муассасаларининг кенг доирасига бериш жараёнини йўлга қўяди.

Улар учун қуйидаги махсус лицензия талаблари белгиланади:

➤ ўқув жараёнига дарслар ўзлаштирилишини оширишга йўналтирилган ўқитиш мониторингини олиб бориш ва режалаштиришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш;

➤ бутун ўқув жараёнини қамраб оладиган анимация эффектлари ва видеоконтентга эга электрон ўқув-ўқувий қўлланмаларнинг мавжуд бўлиши, ҳар бир таълим олувчини (тингловчини) ушбу ўқув қўлланмалари билан таъминлаш;

➤ малака ошириш курсларида билимлар ўзлаштирилишини аниқлаш учун анимация эффектларига эга ягона тест дастурининг мавжуд бўлиши;

➤ ҳар бир ўқитувчини ўқув дастурлари, турли педагогика технологияларидан фойдаланиш йўриқномаларини ўз ичига олган батафсил технологик карталар билан таъминлаш;

➤ ҳар бири камида 40 кв.метр майдонга эга бўлган ва битта ҳудудда жойлашган 2 ёки ундан кўп аудиторияларнинг мавжуд бўлиши;

➤ ҳар бир аудиторияда видеопроекторлар, компьютерлар, аудио- ва видеокузатув тизимлари, йўл ҳаракати қоидалари бўйича кўргазмалар қўлланмалар, шунингдек ўқув жараёни ва якуний тест синовининг ошқоралигини таъминлаш учун жараёни ёзиб олиш тизимининг мавжуд бўлиши;

➤ таълим олувчилар билимларини якуний тест синовидан ўтказиш учун компьютерлар билан жиҳозланган алоҳида аудиториянинг мавжуд бўлиши.

Бу – муҳим! 1 июнгача юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситаларини бошқарувчи шахсларнинг (ҳайдовчиларнинг) малакасини ошириш фаолиятини амалга оширишга доир мутлақ ҳуқуқ «Avtotest Report» МЧЖ ва устас фондидидаги ушуларнинг (акцияларнинг) камида 51%и «Avtotest Report» МЧЖга тегишли ташкилотларда қолади. Ушбу санадан бошлаб автомобилтранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳам фақат давлат таълим муассасалари, шунингдек Мудоффага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси, «Transkasb» уюшмаси ва Автомобилтранспорт кўнгилли жамаиати томонидан амалга оширилади (*ВМнинг 31.12.2010 йилдаги 325-сон қарори*).

Малака ошириш учун ким ҳақ тўлайди

Юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситаларини бошқарувчи шахсларнинг малака ошириши учун ҳақни иш берувчи тўлайди. Қолган фуқаролар (бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар – тахр.) ўз ҳисобларидан малака оширадilar.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 26.02.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ТАБИАТ ВА БИЗ

Денгиз бўйида турсанг ҳам сувни исроф қилма, дейди халқимиз. Тежамкорлик, неъматлардан омилкорлик билан фойдаланиш кераклиги яқин-яқингача бизга болалигимиздан ўқитиб келинар эди. Ана шу панд-насиҳатларга биз бугун айнасиб муҳтождекмиз.

Даҳлиздаги чироқни ўчиринг, космосга иссиқлик чиқмасин

Бугун инсоннинг истеъмолчилик фаолияти айти қўққига чиқди. Маълумотларга қараганда ҳар бир киши бир кеча-кундузда ўртача 1 килограмм озиқ-овқат, 3 литр сув ва 12 кг ҳаво истеъмол қиладди. Бундан ташқари, оддий шаҳар шароитида яшайдиган кишининг ювиниши учун 80-90 литр сув сарф бўлади. Моддий бойликларни ишлаб чиқариш, кўпроқ ишлаб чиқариш сари қилинаётган ҳаракатлар эса энергия қувватлари сарфини янада кўпайтиради.

Энергия қувватларини кўплаб истеъмол қилиш, хусусан, энергия ишлаб чиқаришда, кимё саноати ва бошқа ишлаб чиқаришларда нефть, газ ва кўмирдан ҳаддан ташқари кўп фойдаланилиши эса, ўз навбатида, глобал иқлим ўзгариши – атмосферада парник газлари ҳаддан ташқари кўп миқдорда тўпланишига ҳамда дунё миқёсидаги барқарор иқлим жараёнларининг ўзгаришига олиб келади.

Маълумотларда келтирилишича, парник газлари атмосферада тўпланиб, сайёрамиз ҳароратининг қизишига сабаб бўлади. Ҳарорат ошиши натижасида эса музликлар эриб, океан сувининг ҳарорати ва физик хоссалари ўзгаради, уммонларнинг оқими ўзгаради, мазкур оқимларга богли бўлган мамлакатларда иқлим ўзгаради. Қизиги шундаки, Ер юзининг қайси нуқтасида атмосферага парник газлари ажраётгани аҳамиятга эга эмас: мазкур жараёнлар Ўзбекистонда юз берадими, Канада, Хитой ёки Франциядами – бундан қатъи назар, парник газининг ҳар битта бирлиги қўшилиши бутун дунё иқлим тизимига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис газлар атмосферага қаерда чиқарилаётгани эмас, балки қанча чиқарилаётгани муҳимдир.

Айрим ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, биз энергия истеъмолини икки баравар қисқартирганимизда ҳам бу ҳаётимизнинг сифатига салбий таъсир кўрсатмади. Масалан, хонадонларимизда кўпгина лампочкалар беҳуда ёнади. Ваҳоланки ёруғлик ҳеч кимга керак бўлмаганда лампочкани ўчириб қўйиш мумкин-ку. Техникага шу қадар богланб қолганмизки, ҳатто маҳалла гузарига ёки дўконга ҳам автомобилда чиқамиз. Ярим қақиримли масофага пиёда ёки велосипедда бориб келиш малол бўлмас? Демак вазиятни яхшилашга фақат тежамкорлик билан эришиш мумкин.

Зулхумор Нуралиева,
1-Республика тиббиёт коллежи
табиий фанлар кафедраси мудири.



Иккисоҳий-хуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Савидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш. Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
электрон бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муросалат қилиш мумкин.

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терлиди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Кўргаз Бичими – А3. Ҳажми – 2 босма тибқ. Блокос келтирилган нарда.
Бўғирма 134. Адади 535. Газета 2018 йил 13 март соат 16.15 да топширилди.